

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 14 апрель, № 74 (8417)

Жума

Сайтимида ўтин учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДАЛА ЧЕТЛАРИДА МАХСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев дала четларида махсулот етиштиришни кўпайтиришнинг устувор вазифаларини белгилаб берди.

Бу ҳақда жорий йил 23 март куни қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда топшириқ берилган эди. Шундан сўнг Кадастр агентлиги томонидан ўтказилган хатловда 60 минг гектарга яқин дала четларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани аниқланди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу майдонлардан унумли фойдаланиш орқали 337 минг тонна қўшимча махсулот олиш имконияти бор.

Тақдиротда қайд этилганидек, бу ишларни қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги ташкил этади. Бунинг учун агрономлар мавсумий ишга қабул қилинади. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти агентликка бириктирилади.

Дала четларида деҳқончилик қилиш учун уруғ, кўчат, ўғит ва сув таъминоти мақсадларига 100 миллиард сўм йўналтирилади.

Етиштирилган махсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ҳам муҳим. Шу боис қуриш ва совиштиш усуналарини харид қилишга 50 миллиард сўм ажратилади.

Дала четларида зовур ва сув бўйларига 600 минг бош парранда боқиш ҳамда қарийб 300 мингта асалари уяси жойлаштириш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилади.

Хозирда фермер хўжаликлари томонидан ер майдонлари иккиламчи ижарага фақат 1 йилгача берилди. Ток, тут, терак каби дарактар кўп йилда етилишини ҳисобга олиб, бу муддат 10 йилгача этиб белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирларни маълумлаб, унинг ижросини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

АФГОНИСТОНГА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИДА САМАРҚАНДА ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



13 апрель куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон томони раислигида Афғонистонга қўшни давлатлар вазириларнинг тўртинчи учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон, Эрон, Покистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Хитой ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари иштирок этди.



Алишер ИСРОЙЛОВ, оғон. Сурат.

Форум давомида томонлар Афғонистондаги мавжуд вазият, ушбу мамлакатнинг амалдаги расмийлари томонидан жаҳон ҳамжамиятининг инклюзив ҳукумат қилиниши, Афғонистоннинг аёлларнинг меҳнат ва таълим олиш имкониятини ҳамда миллий озчиликнинг ҳуқуқларини таъминлаш каби асосий талабларининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Афғонистон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш ва мамлакат миллий иқтисодиётини тиклашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар механизми ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро терроризм, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уларнинг контрабандасига қарши курашда Афғонистонга қўшни давлатларнинг чора-

Фолиб ҲАСАНОВ, Ў.А. муҳбири.

Анжуман

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТАЛИГИ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

14 апрель куни Самарқандда МДҲга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайдиган асосий ижроия орган — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирилар кенгашининг (МДҲ ТИВК) йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Озарбайжон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Халаф Халафов, Арманистон ташқи ишлар вазири Арарат Мирзоян, Беларусь ташқи ишлар вазири Сергей Алейник, Қозғоғистон Бош вазири Мурат Нуртлеу, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон ташқи ишлар вазири Сирождидин Муҳридин, Туркменистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Вера Ходжиева, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазири бажарувчи Бахтиёр Саидов, шунингдек, МДҲ Бош котиби Сергей Лебедев қатнашди.

Иштирокчилар МДҲ форматидagi ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва халқаро кун тартибини муҳокама қилди.



Учрашув

МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “Ўзбекистонда Шуша шаҳри кунлари” маданий тадбирида иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюрган Туркий маданият ва мерос халқаро фонди президенти Гюнай Эфендиевани қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти тузилмалари билан ҳамкорлиги, жумладан, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари томонларнинг диққат марказида бўлди.

Сенат Раиси давлатлараро муносабатларнинг муҳим йўналиши сўзсиз маданий-гуманитар соҳа эканлигини, Туркий маданият ва мерос халқаро фондининг туркий халқлар маданияти ва меросини асраб-авайлаш, тиклаш ва оммалаштиришга қаратилган фаолиятини юксак баҳолашини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти ва унинг иқтисослаштирилган институтлари билан доимий ҳамкорликни ривожлантираётгани қайд этилди.

Уз навбатида, Г. Эфендиева самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Озарбайжон —

Ўзбекистон муносабатлари бугун ҳар қачонгидан юқори даражага кўтарилганига алоҳида диққат қилди. Шунингдек, у Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сўзлаб берилган ташаббусларни юқори баҳорлади.

Мулоқот чоғида жорий йилда Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига раислиги доирасида 40 га яқин, жумладан, маданий-гуманитар йўналишда тадбирлар ўтказиш режалаштирилгани, бунда ҳамкорликдаги ташаббус ва лойиҳаларни амалга оширишда фонд иштирокига ҳам эътибор қаратилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

АСОСИЙ МАВЗУ — ЯНГИЛАНАЁТГАН БОШ ҚОМУСИМИЗ МОҲИЯТИ

Яқинда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Навоий вилоятининг Қизилтепа, Навбахор туманлари ва Навоий шаҳрида бўлиб, аҳоли билан мулоқот ўтказди.

Дастлаб Сенат Раиси Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмасига ташриф буюриб, у ерда тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди, муассасадagi шарт-шароитлар, ташкилий масалалар, онкоскрининг фаолияти, онкологик беморларни даволаш, дори-дармон таъминоти, иктимой ҳаёт, беморларни соғломлаштириш, оналик ва болалик масалалари, шифокорларнинг чет элда малакасини ошириш, юқори технология жараҳатли амалиётларини туманда ташкил этиш, бирлаши тизимда соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш бо-

расидаги ишлар билан танишди. Муассасада кечган мулоқот давомида тиббиёт соҳасига кўрсатилаётган эътибор ва соҳада эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритилди.

Давлатнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш чораларини кўриш борасидаги нормалар Конституция даражасида мустаҳкамланганлиги, бундан ташқари, Сенат яқин мажлисида маълумланган қонунга кўра, тиббиёт ходимлари мавқеини ошириш, хавфсизлигини таъминлаш масаласи янги босқичга кўтарилаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Шундан сўнг Т. Норбоева тиббиёт муассасасида даволанаётган болалар ҳолидан хабар олди, уларнинг ота-оналари билан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, берилаётган бепул дори-дармонлар ҳақида суҳбатлашди.

Янгилаёган Конституциянинг 48-моддасида ҳар қандай соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатли ҳамда жамияти юнқунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақиқат эканлиги алоҳида қайд этилди.

➡

Депутатлар — ҳудудлар

ҲАМ ТАРҒИБОТ, ҲАМ ҲУҚУҚИЙ САВОДҲОНЛИК

Авал хабар берилганидек, халқ вакиллари Бош қомусимизга киритилаётган янги нормалар, уларнинг аҳамияти ҳақида тушунчалар бериш мақсадида ҳудудларда бўлиб, очик мулоқот, учрашув ҳамда тадбирларда иштирок этмоқда.

Бу эса фуқароларимизни янгилаётган Конституция моҳияти билан яқиндан таништириш билан бирга, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ҳам мустаҳкамлаётти.

«Хабас корпус» тартиби жорий этилади

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сирдарё вилояти бўйича бошқармасида янгилаётган Конституциянинг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Нодира Жонибекова, Шерзод Қулматов қатнашиб, Бош қомусимизга киритилаётган янги нормалар, уларнинг аҳамияти ҳақида кенг тушунча берди.

Қайд этилганидек, Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиди. Ҳар қандай меърийдир-ҳуқуқий ҳужжат, авваламбор, Конституцияга асосланган. Бош қомусимиз замондан орқада қолиб кетмаслигига, у шиддат билан олиб борилаётган ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади, тинч ва осуда ҳаётимизнинг кафолати бўлади.

➡



ПИЛЛАЧИЛИКДАГИ ИСЛОҲОТЛАР «ЯДРО»СИ

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган озиқ-овқат махсулотларини кўпайтириш, баҳорги экин мавсумини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалигини сановатлаштириш, одамларни ишли қилиш масаласи муҳокамадан ўтказилар экан, бу борада пиллачилик имкониятларидан кенроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун аҳоли яшаш жойларига яқин лалми ва яйлов майдонларини ўзлаштириб, пиллачилик кластерлари ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Бизнинг суҳбат

— Ўзбекистон ипакчилик соҳасида бой таҳрибага, таъбир жоиз бўлса, ўз мактаби ва анъаналарига эга мамлакат. Халқимизда ипак қурти боқиш, пилла етиштириш, ундан ипак олиш миллий қадрият даражасига кўтарилган, десам, муболаға бўлмайди, — дейди Олимжон Саъдуллоевич. — Минг афсуски, яқин ўтмишимизда ушбу тармоқ инқироз ёқасига келиб қолган эди. Шу ўринда айрим далилларни кел-

тириб ўтсам, ўша пайтдаги реал аҳвол ҳақида яққол тасаввур пайдо бўлади.

Гап шундаки, 2016 йилда сановатнинг муҳим тармоғи бўлган ипакчиликда пиллани қайта ишлаш корхонасидан атиги 19 таси қолган. Улар ҳам бир ойгина ишлаб, йилнинг бошқа пайтида фаолияти тўхта-тилган. Бу эса ипакчилик фабрикалари ишчилари бир ой ишлаб, кейин ишсиз қолиши етук ипакчи

муҳандис-технологларнинг соҳадан кетишига сабаб бўлган. Махсулотлар эса четга хомашё сифатида сотилган холос. Ўзингиз бир эътибор қилинг-а, ўшанда 22 миллион АКШ долларлик ипак махсулотлари экспорт қилинган бўлса, унинг таркибида хом ипак 98 фоизни, қолган 2 фоизни эса ипак чиқиндилари ташкил этган. Хорижга тайёр махсулот умуман чиқарилмаган.



